2010 ЙИЛ 15 МАРТ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ    № 49 (11.610)    Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Халқ истеъмоли товарлари кўргазма-ярмарка савдоси марказида Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи чинакамига байрамона тусда ўтди. Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари тадбир иштирокчилари ва ташриф буюрувчиларни қарши олди.**

«Ташаббус — 2010»

## ЭЛ-ЮРТГА МАДАДКОРЛАР — ҲУНАРМАНД-ТАДБИРКОРЛАР

Юртбошимиз ташаббуси билан 1996 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кенг қулоч ёзиб, унинг рағбатларига сазовор бўлганлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Шуниси эътиборлики, мазкур тадбирнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи, унинг иқтисодиётдаги салмоғи ортишида муҳим аҳамият касб этаётганидир. Кўрик-танловнинг нуфузи ошиб бораётганини иштирок этувчилар сафи нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ортиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Шаҳар ҳокими ўринбосари Фазлитдин Зияев кўрик-танлов саҳнасига таклиф этилган туман босқичи ғолибларини эришган дастлабки муваффақиятлари билан қутлаб, омад тилаб қолди. Тадбиркору ҳунармандларнинг нафақат пойтахт, балки мамлакат иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссалари ҳам алоҳида эътироф этилди.

*(Давоми 2-бетда).*

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатларда йирик фирма ва компаниялар, корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб ишсизлар сонининг ортишига сабаб бўлди.**

Қарор ва ижро

## ИНВЕСТИЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ана шундай мураккаб шароитда юртимизда инвестиция дастури ҳамда техник модернизациялаш борасидаги лойиҳаларнинг изчил амалга оширилаётгани рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кучайтириш орқали уларнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустаҳкам ва барқарор банк тизими мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшаётир. Молия институтларнинг капиталлашув даражаси ошиб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, техник ва технологик янгилаш жараёнлари фаоллашмоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки мавжуд маблағларини иқтисодиётнинг реал секторини имтиёзли кредитлашга йўналтирмоқда. Жумладан, нефть ва газ, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа соҳалардаги истиқболли лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши натижасида аҳоли зич жойлашган ҳудудларда қарийб 4 минг 200 янги иш ўрни яратилди. "Ўзкимёсаноат" ва "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияларининг 53,3 миллиард сўмлик уч лойиҳаси шулар сирасидандир.

Ўтган йили банкда банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини такомиллаштириш, шунингдек, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестицион кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. 2009 йил давомида 6 банкрот корхона "Ўзсаноатқурилишбанк" балансига қабул қилиниб, иккитасида ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилди.

Юртимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар ўз самарасини бераётир. Тижорат банкларининг паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш жараёнига жалб этилаётгани самарасида эришилаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**



## МИНГ ЙИЛЛАР САДОСИ

«Наврўз-2010»

## АЗАЛИЙ ВА БОҚИЙ АЙЁМ

**Баҳор келиши билан табиат сулув келинчакдек безанади, ҳусн-малоҳатга, тароватга йўғрилади. Қишнинг қаҳридан толиққан борлиқ кўкламнинг илиқ нафасидан энтикади. Она замин зумрад рангига бўянади. Дарахтлар ҳарир либосга бурканади.**

**Баҳорнинг муаттар нафасидан энтиккан диллар мусаффо осмоннинг мовий кенгликларида жонсарак қалдирғочлардек парвоз қилади гўё. Анвойи гуллару турфа гиёҳлар атрини атрофга таратаётган кўклам насими, завқ-шавққа тўла булбуллар хониши инсон ботинидаги энг инжа ҳисларни-да уйғотади.**

**Инсон ҳам, табиат ҳам янгиланиш, яшариш айёми бўлган Наврўзи оламни ана шундай интиқлик, муштоқлик билан кутиб олади.**

Наврўз инсониятнинг ўзи қадар қадимий ва боқий байрамлардан. Айни пайтда бу байрам Ер юзидаги ўнлаб мамлакатларда катта шодиёна, хурсандчилик ила қарши олинади. Аждодларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик ва тенглик ифодаси сифатида нишонлаб келганлар.

Наврўз. Бу сўз замирида халқимизнинг узоқ ўтмиши, миллий қадриятлари, асрий анъана ва урф-одатлари мужассам. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ватанимизда бу байрам жуда қадим замонлардан, минг-минг йиллар илгари ҳам нишонлаб келинган. Замонлар ўтса-да, давру давронлар ўзгарсада, ҳеч бир куч халқимизни Наврўз билан боғлаб келаётган чамбарчас ришталарни уза олмаган. Аксинча, асрлар оша, бу байрам янада сайқал топиб, янгича удум ва қадриятлар билан бойиб бораверган.

Улуғ алломаларимиз Наврўз тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотларни битиб қолдирганлар. Ижод аҳли эса Наврўзни мадҳ этувчи дилбар ашъорлар ёзишдан чарчамаган. Наврўз билан боғлиқ қадриятлар, урф-одатлар ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Зеро, Наврўз нафақат баҳорги тенгкунлик байрами, балки эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, хайр-саховат айёми ҳамдир.

Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Умар Ҳайёмнинг "Наврўзнома", Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки ажам", "Садди Искандарий" асарларида ушбу қадимий байрамнинг пайдо бўлиши, тарихи билан боғлиқ хилма-хил маълумотлар келтирилган. Буларнинг барчаси Наврўзнинг нақадар қадимий айём эканидан дарак беради.

Халқимиз Наврўзни ҳамиша яхши ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, эзгу тилак ва истаклар, хайрли дуолар билан қарши олган. Йил боши — Наврўз қандай бошланса, бутун йил шу тариқа давом этишига ишонган. **"Яхши одам — кўзидан, яхши йил Наврўзидан маълум"** деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ана шу мазмун Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида ҳам мужассам:

**Улус чеҳраи**
**оламафрўзидин,**
**Билур йил келурини**
**Наврўзидин.**

*(Давоми 3-бетда).*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган шаҳар касаба уюшмалари фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасининг моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

✓ **ҲАМЗА** туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида ўтказилган тадбир ҳакамлик судлари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** эндокринология марказида шундай хасталикларни даволашнинг самарали усулларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда эндокринолог шифокорлар иштирок этишди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Андижон, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Қашқадарё вилоят босқичлари бўлиб ўтди.**
- **Республика Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, парламент қуйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти, Кураш халқаро ассоциацияси, Шарқ якка- курашлари ва жанг санъати маркази ҳамкорлигида «Баркамол авлод тарбиясида миллий спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида илмий- амалий анжуман ўтказилди.**
- **«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Темирйўл кенгаши ҳамкорлигида «Экология ва саломатлик ойлиги» дастури асосида Баркамол авлод йилига бағишлаб «Табиат ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**
- **Урганч шаҳрида уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Диана-Восток» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ҳозир бу ерда маҳаллий хом ашёдан сифатли мебеллар, стол-стуллар, дераза ҳамда эшиклар тайёрланмоқда.**
- **Бу йил Қашқадарё вилоятида 140 мингта иш ўрнининг яратилиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг 5741 таси янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжуд қувватларни ошириш ҳисобига амалга оширилади.**
- **«Ўзфармсаноат» ДАК томонидан 205 минг АҚШ долларилик инвестиция киритилиши ҳисобига Гулистон шаҳридаги «Амалий мед фарм» МЧЖда пахта чиқиндисини қайта ишлаш имконияти юзага келди. Ҳозирда бу ерда ҳар ойда 2 миллион донагача тиббий боғлама материаллари тайёрланиб, соғлиқни сақлаш муассасаларига етказиб берилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Россиядаги ягона сайловлар куни доирасида ташкил этилган минтақавий сайловлар натижасига кўра мамлакат Марказий сайлов комиссияси «Единая Россия» партиясининг етакчилик қилаётганлигини маълум қилди.**
- **Греция меҳнат вазири А.Ловендос мамлакатдаги бюджет тақчиллиги ва турли-туман қарзлар ечими бўйича Греция Европа Иттифоқидан мадад кутишини таъкидлади.**
- **Хитойнинг шимолий қисмида қалин қор ёғиши натижасида юзлаб авиарейслар бекор қилинди.**
- **Канаданинг Ванкувер шаҳрида ногиронлар ўртасида параолимпия ўйинлари бўлиб ўтмоқда.**
- **Кеча Таиландда 2006 йили ағдарилган собиқ бош вазир Таксин Чинават тарафдорлари томонидан норозилик намойиши уюштирилди. Намойишчилар парламентнинг тарқатилиши, конституциянинг бекор қилинишини сўраб, янги сайловлар ўтказилишини талаб этмоқдалар.**
- **Кеча Сомалидаги тўқнашувлар чоғида 17 киши ҳаётдан кўз юмди.**
- **Мамлакат энергетика тизимидаги носозликлар туфайли кеча Чилининг марказий қисми электр қувватисиз қолди.**
- **Покистоннинг Лаҳор шаҳрида амалга оширилган иккита қўпорувчилик натижасида 20 киши ҳалок бўлди, 26 та киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**
- **Катталиги 2,5 минг квадрат метр ва оғирлиги бир неча миллиард тонналик айсберг Антарктидадаги Мерц музлигидан ажралиб, Австралия томон сузиб келмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, бу улкан айсберг B9B айсбергига урилиб кетгач, ҳаракатга келган. Эколог олимлар буни бевосита иқлимнинг исиши билан боғлиқ воқеа, деб изоҳламоқдалар.**

# Инсон ва қонун

**Деярли ҳар бир қонун пировардида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу борада қонунчилик таъминланишида жойларда изчил ишлар олиб борилмоқда. Ички ишлар бош бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник Азиз ЭРНАЗАРОВ билан суҳбатимиз айнан шу ҳақда бўлди.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

— Омбудсман институти инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя этиш воситаси сифатида кўп мамлакатларда ташкил этилган.

Омбудсман мустақил ва мухтор жамоат органи ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси фуқароларнинг номидан ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда давлат маъмурияти томонидан йўл қўйилган ноқонунийлик ва адолатсизликнинг олдини олиш ва барҳам беришга хизмат қилади. Дастлабки Омбудсман ташкил этилганидан буён қарийб 200 йил ўтди. Бу муддат ичида уларнинг кўп турлари пайдо бўлди. Энг муҳим тури — парламент томонидан тайинланадиган ва классик дея таснифланадиган Омбудсмандир. Омбудсман «вакил» маъносини англатади.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи юздан ортиқ янги қонунлар қабул қилиниб, йилдан йилга ҳуқуқни қўллаш амалиёти такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 60 дан зиёд халқаро шартномаларга қўшилди. БМТ ва ЕХҲТ доирасидаги шартномаларни амалга ошириш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Омбудсман институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш шулар жумласидандир. 1995 йил 23 февралда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг вакили лавозими таъсис этилди. Ўзбек давлатчилиги доирасида фаолият юритаётган мазкур институт инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ҳимояси ва муҳофазаси учун ташкил этилган орган мақомини олди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига кўра Омбудсман 5 йил муддатга сайланади.

**— Ички ишлар идоралари Омбудсмани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Маълумки, 1948 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифалар сифатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини эълон қилди. 2008 йил 10 декабрда ушбу Декларациянинг 60 йиллиги бутун дунё миқёсида кенг нишонланди. Жумладан, республикамизда ҳам шу муносабат билан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича 2008-2009 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бош бошқарма таркибида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Бўлим ўтган давр мобайнида қатор ишларни амалга оширди.

Хусусан, ИИББ тизимларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи алоҳида ўрганиб чиқилди. Ички ишлар идоралари ходимларининг айби билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар юзасидан айбдор деб топилган ходим ва унинг бевосита раҳбарига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши белгиланган. ИИББ ходимлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини поймол қилиш ва асоссиз равишда жиноят содир этганликда гумонсираб, жиноий жавобгарликка тортиш фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Бундай ҳолатни содир этган ходим ички ишлар идораларидан бўшатилиб, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин. Бошқармада фуқароларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларига масъулиятсизлик билан ёндошиш, юзаки кўриб чиқиш ҳамда фуқаролар билан қўпол муносабатда бўлиш ҳолатларига қатъиян чек қўйилган. Ҳар бир туман ички ишлар идорасида фуқароларни қабул қилиш хоналари жиҳозланиб, ариза билан келганларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид ариза ва шикоятларни жойига чиқиб, холисона ўрганилишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳар қандай шикоятнинг кўриб чиқилиши баробарида Омбудсман билан ҳамкорликда мониторинг ўтказиб келинмоқда.

**— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилаётган тадбирлар ҳақида яна нималарни айта оласиз?**

— Бугунги кунда бўлим ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Тараққиёт Дастури, шаҳар прокуратураси, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакили иштирокида турли мавзуларда матбуот анжуманлари, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Мақсадимиз фуқаролар шаънининг поймол этилишига йўл қўймаслик баробарида инсон ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилишдир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**
**суҳбатлашди**

---

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

## БОШ ҚОМУСИМИЗ — ФАХРИМИЗ

**Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шонли тарихимиз саҳифаларидан муносиб ўрин олиб, йиллар ўтиши билан унинг аҳамияти юксалиб бормоқда.**

Конституция ҳар бир давлат ва миллатнинг юзкўзи, унинг обрў-эътибори ва нуфузининг тимсоли ҳисобланади. Конституциянинг инсон манфаатлари йўлида яратилганлиги унинг энг муҳим хусусиятидир. Бунинг маъноси шундаки, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсондир. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза этишнинг ташкилий воситаларини мустаҳкамлай олган Конституциягина инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш учун давлат ҳокимияти ваколатларини оқилона меъёрлаш вазифасини ўташи мумкин. Асосий Қонунда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликлари мужассам этилган.

Конституцияда мужассам бўлган улуғвор ғоялар Асосий Қомусимизнинг ҳар бир бўлими, боби ва моддасида ўз ифодасини топган. Конституциямизни ўрганиш жараёнида унинг мамлакатимиз сиёсий тизимига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларга уйғунлашуви, фуқароларнинг миллати, эътиқоди, ирқи, жинсидан қатъи назар қонун олдида тенглиги таъминланишига қаратилганлигига амин бўламиз.

Конституция давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлиши билан бир вақтда ўта муҳим сиёсий ҳужжат ҳамдир. Унда давлатнинг асосий функциялари ва сиёсий йўли ўзининг ифодасини топган. Қомусий ҳужжатнинг сиёсий аҳамияти шундаки, у дунё давлатлари ҳамжамиятида янги суверен давлат — Мустақил Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини қонуний тарзда расмийлаштирган. Ўзбекистон халқи илк бор қўлга киритган давлат мустақиллиги Конституциямизда тантанавор тарзда мустаҳкамлаб қўйилди. Жаҳон аҳли халқлари Конституциямиз орқали халқимиз табиатини ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий Қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саховатпешалик хислатлари ҳам ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. «Ўзбекистон Республикаси дейилади 4-моддада, ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Бу чинакам саховат ва бағрикенгликнинг қонуний ифодасидир.

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва энг асосийси — одамларнинг онг-тафаккурини, сиёсий қараши ва маданиятини тарбиялашда Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъсирчан ҳимоя қилиш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бошқа қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда Конституция ҳуқуқий асос ҳисобланади.

**Замира АҲРОРОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти талабаси**

---

Қарор ва ижро

## СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИ

**Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, айниқса ўсиб келаётган авлодни ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам ақлан етук инсонлар қилиб вояга етказиш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.**

Ёшларимизнинг ҳуқуқий, тиббий, маънавий саводхонлигини ошириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, оиланинг муқаддаслигини тушунтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соғлом оилани шакллантириш, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашга кўмаклашиш, тиббий кўрикнинг моҳиятини тушунтириш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама етук фарзанд тарбияси борасида амалга оширилаётган ишлар юқоридаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратилган. Оиланинг мустаҳкамлиги, турмушнинг соғломлиги жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Расмийлаштирилаётган ҳар бир никоҳ ихтиёрийликка, тарафларнинг никоҳ ёшига етганлигига, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар истисно этилганлигига асосланган. Улардан бирортаси бузилган тақдирда, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Оила кодексининг 13-моддасига биноан никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай никоҳгина эр-хотинларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтиради. Оила қонунчилигида никоҳдан ўтиш учун ариза бергандан сўнг лозим бўлган бир ойлик муддатни зарур ҳолларда қисқартириш ҳуқуқи берилган. Бунинг учун узрли сабаб бўладиган ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар талаб қилинади.

Никоҳдан ўтаётган эркак ва аёл оила қуришга тайёр бўлишлари керак. Авваламбор никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсад оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборатдир. Қонунда никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган, республикада ҳар бир фуқаро фақат якка никоҳда бўлиши мумкин.

Оила азал-азалдан тарбия ўчоғи ҳисоблаб келинган, шу билан бир вақтда жамият таянчи ва юрт тинчлигининг асоси ҳам ҳисобланади. Шу жиҳатдан оилада, ота-онаси бағрида камол топадиган фарзандларнинг жисмонан соғлом, ахлоқан етук, юқори билимли, ҳар томонлама камол топган шахс бўлиб вояга етишлари, айниқса соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш мақсади йўлидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, кейинги вақтларда ёшлар ўртасида баъзан қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб, шаръий никоҳ орқали турмуш қуриш ҳоллари кузатилмоқда. Ачинарлиси, эндигина турмуш қурган ёшларда кейинчалик турли касалликлар аниқланмоқда. Чунки қонуний никоҳдан ўтаётган ёшлар тиббий кўрикдан ўтади, демак турли нохушликларнинг олди олинади. Сирни яшириб, шаръий никоҳдан ўтган айрим оила аъзоларида хавфли юқумли касалликлар ҳам аниқланиб, бу ҳолатлар туфайли қанча оилалар нотинчлиги, ногирон туғиладиган фарзандлар аянчли тақдирига сабаб бўлмоқда. Буларни кўриб, ўйламай босилган қадамнинг қанчалик қимматга тушишини ўйлаб қоламиз.

Бу борада биз ҳудудимиздаги маҳаллалар, касб-ҳунар коллежлари, лицей ва мактабларда турли соҳа мутахассислари билан биргаликда семинар, давра суҳбатлари ва тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз.

Мақсадимиз оналик ва болалик, оилалар ҳимояси устувор вазифа деб белгиланган юртимизда турмуш қураётган ҳар бир ёш озод ва обод Ватаннинг муносиб қурувчилари бўлиб, эртамизга мустаҳкам пойдевор қўйишига эришишдир.

**Раъно КАРАБАЕВА,**
**Оила маросимлари маркази мутахассиси**

---

**Миробод туманидаги немис тилига ихтисослашган 60-мактабда Баркамол авлод йилига бағишланган маънавий-маърифий тадбир «Камолот» ЁИҲ, Адлия бошқармаси, туман прокуратураси, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.**



Тадбирлар

## БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Тадбирда сўз олганлар ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, қонунларни ўрганишга қизиқишини ошириш мавзуларида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад — ўсиб келаётган авлод тафаккури, қобилияти, иқтидор ва имкониятларини юзага чиқаришга кўмаклашиш, фарзандларимиз қалбида она Ватанга муҳаббат ҳиссини янада ошириш, тинчликсеварлик, тотувликнинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлашга ўргатиш, шунингдек ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган, — дея таъкидлаб ўтди Адлия бошқармаси ходими Аброр Бердиев.

Савол-жавоблар билан ўтган ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА**
**СУРАТДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа**

---

## ЭЛ-ЮРТГА МАДАДКОРЛАР — ҲУНАРМАНД-ТАДБИРКОРЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

— Бу йилги танловга катта тайёргарлик кўрилди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев. — Юзлаб талабгорлар орасидан энг саралари туман босқичларида изланиш ва маҳоратларини намойиш этишиб, ғолиблар республика босқичига йўлланма олиш учун беллашишмоқда. Айтиш лозимки, янги иш ўринлари ташкил қилишда фаоллик кўрсатаётган, ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмини орттирган, иқтисодиёт кўрсаткичлари юқори, барча солиқ ва мажбурий тўловларни вақтида бажарган, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулот тайёрлаётган тадбиркору ҳунармандлар танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бу гаплар, албатта кўрик-танлов доирасида ташкил этилиб, иштирокчиларнинг фаолият ва муваффақиятларини акс эттирган кўргазмада ёрқин ифода топганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Асосий иштирокчилардан ташқари, яна кўплаб ишлаб чиқарувчилар ўз изланишлари билан кўргазмани бойитгани ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Фаолият бошлаганимизга эндигина икки йил бўлди, — дейди Сергели туманидан иштирок этаётган «Resalit Color» масъулияти чекланган жамияти бош директори Авазбек Каримов. — Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланяпмиз. Шу боис ҳам муваффақиятларимиз салмоғи ортмоқда. «Ташаббус»да эришган ютуқларимиз ҳамда режаларимиз билан иштирок этаяпмиз. Ишлаб чиқарилаётган лок-бўёқ маҳсулотларимиз сифатини таъминлашда замонавий дастгоҳлар қўл келмоқда. Жорий йилда Туркиядан янги технологик линиялар келтириб, ёшлар учун қўшимча 60 та иш ўрни яратишни кўзда тутганмиз. Ўтган йилда 1 миллиард 420 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жорий йил биринчи чорагида 1 миллиард 100 миллион сўмлик шартномага эга бўлдик. Кўрик-танлов ҳақиқий ташаббуслар майдони, изланишлар намойиши, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш имконияти эканлигига амин бўлдим.

Кўргазма билан танишар эканмиз, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан бозорда ўз ўрнини топаётган «Bioline Kosmetiks», маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиб, ювиш ҳамда тозалаш воситаларини харидорларга етказиб бераётган «Serge and Partneps», маҳсулотлар дизайни юксак, сифати ҳам қолишмайдиган «Shox Produkt» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда бошқа корхоналарнинг изланишларидан қувонасиз, режаларидан руҳланасиз.

Қўли гул ҳунармандлар эса бир-биридан гўзал, бетакрор маҳсулотлари билан кўрик-танлов кўргазмасига файз бағишлади. Уларнинг йўналишлари турли-туманлиги аждодларга муносиб ворислар борлигидан, маҳаллий ҳунармандчилигимиз ривожланиб, янада бойиб бораётганидан дарақдир. Каштачи Мадина Қосимбоеванинг шу ернинг ўзида шогирдлари билан бажараётган ишларини кузатиб, зардўз Фароғат Эргашеванинг ҳунаридан завқ олиб, ёғоч ўймакори Камолиддин Раҳимов каби ҳунари гўзалларнинг санъатини томоша қилиб, бунга гувоҳ бўласиз. Шу боис ҳам танловни интилувчан ва изланувчанлар майдони десак муболаға бўлмайди. Мана шундай маҳсулотларнинг юртимизда тайёрланаётгани, шунинг баробарида хорижлик харидорлар томонидан ҳам эътироф этилаётгани бежиз эмас, албатта. Демак, изланиб имкон топиш, ташаббус билан муваффақият қозониш мумкин.

Бундай кўрик-танловда иштирок этишнинг ўзи бир ғолиблик. Ана шундайлар орасидан энг кучлиларни танлаш эса катта масъулиятни талаб этади. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича биринчи ўринга «Resalit Color» МЧЖ бош директори Авазбек Каримов сазовор бўлди. Иккинчи ўрин эса «Bioline Kosmetikc» МЧЖ раҳбари Актам Мингбоев ва учинчи ўрин «Shox Produkt» МЧЖ директори Икром Абдураҳимовга насиб этди.

Ёғоч ўймакори Камолиддин Раҳимов «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналиши ғолиби бўлди. Ушбу йўналиш бўйича 2-ўрин каштачи Мадина Қосимбоевага ва 3-ўрин ёғоч ўймакори Шукрулла Муратовга берилди.

Баркамол авлод йили муносабати билан «Йилнинг энг ёш тадбиркори» номига «Hanglas» МЧЖ директори Мераб Аҳмедов, «Йилнинг энг ёш ҳунарманди» номига ёғоч ўймакори Саъдулла Юсупхўжаев эга бўлишди. Ғолиб ва совриндорларнинг барчасига диплом ва қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

Ишонамизки, «Ташаббус—2010»нинг республика босқичида қатнашиш шарафига эга бўлган ғолибларимиз ўз имкониятларини яна бир бор намойиш этишади. Муваффақият уларга ёр бўлсин.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**СУРАТДА: «Ташаббус—2010»нинг пойтахт босқичидан лавҳа Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

«Наврўз—2010»



# АЗАЛИЙ ВА БОҚИЙ АЙЁМ

## ОЗОД ЮРТНИНГ НАВРЎЗИ

Совет тузуми даврида кўплаб миллий қадриятларимиз қатори Наврўз ҳам таъқибга учради. Бу қадим айём "эскилик сарқити", "диний байрам" сингари ноҳақ тамғалар остида четга сурилди. Халқ бир неча ўн йиллар Наврўз соғинчи билан яшади. Аммо, ҳеч бир куч, ҳеч қандай мафкура бу гўзал байрамни элимиз қалбидан юлиб ололмади.

— Оққан дарё оқаверади, деган гапда теран маъно бор, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси Иноят ота Неъматов. — Шўронинг қамчисидан қон томиб турган пайтларда ҳам юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида халқ азалий анъаналарига содиқ ҳолда Наврўзни нишонлаб келди. Наврўз бир пайтлар тақвимлардан ўчирилган бўлсада, ҳеч ким уни халқимизнинг қалбидан ўчира олмади. Чунки Наврўз нафақат башариятнинг, балки бутун борлиқнинг, табиатнинг байрамидир.



Минг йиллардан бери тун ва кун азалий қонуният асосида бир-бири билан ўрин алмашиб келади. Ер ва Қуёш ҳам коинот тартибларига қатъий амал қилган ҳолда ҳаракатланаверади. Наврўз байрами баҳорда — тун ва кун тенг келган пайтда нишонланади. Шу боис, Наврўз ҳам борлиқнинг азалий қонунлари сингари дахлсиздир.

Ўзбекистон мустақиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли миллий байрамимиз яна ўзимизга қайтди. Ҳали коммунистик тузум ҳукмронлиги барҳам топмаган бир пайтда, 1990 йилнинг 2 майида «Наврўз халқ байрамини ўтказиш тўғрисида»ги тарихий ҳужжат имзолангани ҳақиқий жасорат бўлди.

Мустақиллик инояти туфайли, Юртбошимиз раҳнамолигида миллий анъаналаримиз, тарихий қадриятларимизни қайта тиклаш, кенг тарғиб этишга янада катта эътибор қаратилди. Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

Йигирма йилдирки, Наврўз элимизнинг энг севимли, фарахбахш, қувончли кунларидан бири сифатида кенг нишонланиб келмоқда.

Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, шунингдек, вилоятлардаги энг кўркам, бетимсол гўшаларда, майдон ва хиёбонларда, қир-адирлар, дала-тузда ўтадиган байрам тадбирлари, унда намойиш этиладиган кўнгилочар томошалар, байрамона куй-қўшиқлар, дилкаш рақс ва тароналар бу байрамнинг халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан қанчалар чамбарчас боғлиқ эканидан далолат беради.

## СУМАЛАК СУЗИНГ, ОНА!

Юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида, маҳалла ва овулларида Наврўз ўзгача шукуҳ, ўзгача руҳда ўтади. Каттаю кичик юзда табассум, дилда қувонч билан бу гўзал ва бетакрор байрамга пешвоз чиқади. Момоларнинг ўлан ва лапарларида, боболарнинг шукрона балққан нигоҳлари, дуога очилган қўлларида, болажонларнинг бахтиёр кулгусида, қизалоқларнинг ширин табассумида Наврўз тароватини ҳис этасиз.



Айниқса, сумалак қайнаётган дошқозон атрофидаги онахонларимиз тимсолида, бир-биридан лазиз, хуштаъм баҳорий неъматлар тотида Наврўз нашидасини туйиш мумкин.

— Миллий таомларимиз, айниқса, Наврўз муносабати билан пишириладиган сумалак, гўжа, ҳалим, кўксомса сингари баҳор неъматларида ҳам халқимизнинг кўп асрлик тажрибаси, донолиги мужассам, — дейди Фарғона вилояти Данғара туманидаги Каттатурк қишлоғида яшовчи Қурбоной ая Жумақулова. — Бундай таомлар баҳорги «иликузилди» пайтларда танага қувват бағишлайди, турли дардлардан фориғ қилади. Шу боис қишлоғимиз аҳли ҳар йили бу кунни соғиниб, интизорлик билан кутади. Бу йил ҳам ота-боболаримизнинг бу эзгу байрамини катта хурсандчилик билан кутиб олаётирмиз.

Дарҳақиқат, Наврўз дастурхонини турли баҳорий ноз-неъматлар, айниқса, сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу тансиқ таомнинг фойдали, шифобахш хусусиятлари ортиқча таърифга муҳтож эмас. Сумалак ҳам худди Наврўз сингари қадимий ва беzавол экани тарихий манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, юнон тарихчиси Геродот ўз солномаларида қадимги аждодларимизнинг баҳорнинг илк кунларида буғдой майсасидан махсус таом тайёрлаганлари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида «**сума**» сўзи қадимги туркий тилларда ивитилган буғдой маъносини бериши қайд этилган. Кўпгина олимларимиз «**сумалак**» сўзи ҳам айнан шу ўзакдан келиб чиққанини ёзадилар. Бу таом бугунги кунда Наврўз нишонланадиган барча ҳудудларда кенг тарқалгани ҳам унинг қанчалик суюмли эканини кўрсатади.

## КЎПКАРИ – НАВРЎЗ ЎЙИНИ

Наврўзи олам катта тантана билан нишонланаётган зангори гилам тўшалган адирлар, бепоён дала-даштлар отлар дупуридан ларзага келади. Зотан, бу гўзал айёмнинг нашидаси отларнинг кишнашию, чавандозларнинг ҳайқириғи билан уйғунлашиб, айрича жўшқинлик касб этади.

...Болалик йилларимизда баҳор келиши билан каттаю кичик маҳалламиздан етти-саккиз чақирим узоқдаги Қуруқсой мавзеи томон ошиқарди. Кексаларнинг айтишича, бу ялангликда улоқ-кўпкари беллашувлари юз йиллардан бери ўтказиб келинаркан.

Бу ерда ўнлаб чавандозлар, юзлаб кўпкари ишқибозлари тўпланар, ҳамма қатори биз, болалар ҳам улоқ талашиб, марра сари шитоб билан елиб бораётган чавандозларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини киприк қоқмай кузатиб турардик...

Бугун ҳам мамлакатимизнинг юзлаб гўшаларида кўпкарининг аллақандай жайдари нафосати, ўзига хос завқи, шукуҳи ҳукмрон. Аждодларимизнинг қанча-дан-қанча умрбоқий анъана ва қадриятлари қатори миллий спортимизнинг бу тури ҳам тараққий этиб, сайқал топиб келаётир.

Олимларнинг фикрича, кўпкари халқимизнинг янги йил ҳосилини чамалаш билан боғлиқ эътиқоди ва қарашлари замирида, Наврўз байрами удумларининг шаклланиши жараёнида келиб чиққан. Кейинчалик у барча сайилларда, тўй-ҳашамларда, байрамларда ўтказиладиган умумхалқ томошаларидан бирига айланган.

— От миниб, улоқ чопиб катта бўлганман, — дейди Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яшовчи чавандоз Ўринбой Султонов. — Ҳаётимни отсиз, кўпкарисиз тасаввур этолмайман. Сурхон воҳасида азалдан Наврўз тантаналари кўпкарисиз ўтмайди. Бизда маррани, чавандоз улоқни олиб келиб ташлайдиган чуқурни **қоралик** дейилади. Улоқни ҳеч кимга олдирмай, ана шу қораликка келтириб ташлаган чавандознинг хурсандчилиги, сурурини ундан бошқа ҳеч ким ҳис қилолмаса керак.

## НАВРЎЗГА ПЕШВОЗ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳақ жойида қарор топа бошлади. Азалий сарчашмалар қайтадан кўз очди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий, тарихий қадриятларимиз қайта тикланди.

Бугун ҳам она Ватанимиз, халқимиз бу азалий ва абадий байрамга ҳар йилгидай кўтаринки кайфиятда, шод-хуррамлик, қувонч ва соғинч ила пешвоз чиқаётир.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, барчамиз орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказиладиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Фан

## САМАРАЛИ ВОСИТАГА АЙЛАНДИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан 2010 йил халқаро биологик хилма-хилликни сақлаш йили деб эълон қилинди.**

Бу муҳим масала республикамизда ҳам ўз ижобий ечимини топмоқда. Ушбу йўналиш бўйича ишлаб чиқилган миллий стратегия Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институти олимлари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳайвонлар биологияси ва экологиясини ўрганиш натижалари эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти махсус дастурига киритилди. Эндиликда улар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сонини сақлаб қолишда самарали воситага айланди.

## НОЁБ КОЛЛЕКЦИЯ

**Ўзбекистон Фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш марказининг «Юксак ўсимликлар флораси» лабораториясида қатор коллекциялар тўпланди.**

Ўрта ер денгизининг энг жанубида жойлашган Ливиянинг марказий минтақаси ўсимлик дунёсига оид коллекция ҳам эътиборни ўзига тортади. 16 мингдан зиёд гербарийдан иборат бу жамланма эндиликда лаборатория ходимларининг энг яхши топилмаси сифатида эътироф қилинмоқда.

## ЯНГИ ПРЕПАРАТЛАР

**Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари самарали изланишлари билан кўплаб дори воситалари яратилмоқда.**

Лабораторияларда ўсимлик ишқори алкалоидларини ажратиб олиш жараёнлари ҳам ижобий натижасини бермоқда.

Янги ҳосил қилинган алкалоидлардан ўндан ортиғи инсон саломатлиги учун жуда фойдали препаратлар деб топилди. Шу сабабли улар фармацевтика саноатида кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилинди.

Санъат

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**Испанияда уюштирилган халқаро танлов ёш пианиночилар учун катта маҳорат синови бўлди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси иқтидорли талабалари ҳам бу ижодий кўрикда фаоллик кўрсатди.**

Фортепиано бўлимида таҳсил кўраётган созанда Одина Халилова совринли ўрин билан тақдирланди.

Ёш истеъдод эгаси бундан олдин республикамиз миқёсида ўтказилган танловларда ҳам ижрочилик маҳоратини намоён этган. Фортепиано йўналишида фахрли биринчи ўринни ҳам қўлга киритган.

Одина ижро этаётган мусиқалар ёш санъаткорлар иштирокида ташкил этилаётган концертларда ҳам баралла янграмоқда.

## СТУДИЯНИНГ ИЖОДИЙ ЮТУҒИ

**«Янги авлод — 2009» республика танловида санъатсевар ўқувчи-ёшлар ҳам қатнашиб, ўз ижрочилик маҳоратини намоён этди.**

221-мактаб қошидаги «Рақс» студияси томонидан тақдим қилинган саҳна кўринишлари ушбу маҳорат кўригида кўпчилик эътиборини ўзига тортди ҳамда совринли ўрин билан тақдирланди.

Билим ўчоғида фаолият кўрсатаётган «Рақс» студияси фортепиано жўрлигида саҳналаштирилаётган рақслар дастури устида ҳам тайёргарлик ишларини бошлади. Баркамол авлод йили муносабати билан «Санъат ғунчалари» концерт дастурига киритиладиган бахтли боликни мадҳ этувчи бу жозибадор рақслар ҳам томошабинларни мамнун этади, деган умиддамиз.

**Акбар АЛИЕВ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонун мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

## ҚОНУН МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, шунингдек Бош прокуратура, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликларидан вакиллар иштирок этди.

Тадбирда "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ва тегишли вазирлик, идоралар ҳамда вилоят, туман ва шаҳар қишлоқ фуқаролар йиғинларида қўлланилиши ҳолати юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари атрофлича муҳокама қилинди. Бундан ташқари, ушбу қонунни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мониторинг натижаларига кўра, бугунги кунда 176 та махсус ҳужжат, 12 та қонун, 230 дан ортиқ бошқа қонун ҳужжатлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги у ёки бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида алоҳида ўрин тутади. Бугунги экологик вазият жиддий бўлиб турган бир пайтда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланишини назорат қилиш ва бу борадаги қонунда белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижросини таъминлаш жуда муҳим. Шу билан бирга аҳоли ўртасида тиббий маданият тушунчасини кенг тарғиб қилиш, саломатлигини асраш учун тавсиялар бериш, уларнинг соҳага доир ҳуқуқий саводхонлигини ошириш давра суҳбатининг мунозара марказида бўлди.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан соҳага доир қонун ҳужжатларини қўллаш механизмларини такомиллаштириш бўйича институт томонидан ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар тасдиқланди.

**Акбар ЖИЯНОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

Жамғармаларда

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси аҳоли, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.**



Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туғиш ёшидаги аёллар ҳамда ўсмирлар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни соғломлаштиришга амалий ёрдам кўрсатиш учун Мирзо Улуғбек туманидаги Ал Форобий, «Тракторсозлар», Улуғбек посёлкаси, «Янги Авайхон», Учтепа туманидаги Ал Соғуний, Ал Хоразмий номли маҳаллаларда кўчма тиббий-ижтимоий патронаж автоклиникаси ва туман оилавий поликлиникалари томонидан тиббий кўрик ташкил этилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси малакали шифокорлари ва туман марказий поликлиникаларнинг тор мутахассислари 500дан зиёд кишини кўрикдан ўтказди. Аниқланган касалликлар рўйхати туман тиббиёт бирлашмаларига тақдим этилди. Беморлар икки ой давомида соғломлаштирилади. Тиббий кўрик жараёнида жамғарма шифокорлари томонидан ёш оналар билан суҳбатлар ҳам ўтказилиб, уларга «Она ва бола скрининги», «Бўлажак оналарга тавсиялар», «Скрининг текширувларини биласизми?», «Ирсий касалликлардан огоҳ бўлинг» номли қўлланмалар тарқатилди.

— Ҳар бир киши йилда икки маротаба шифокор кўригидан ўтса, турли касалликларнинг олди олиниб, у соғлом турмуш кечиради, — дейди «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева. — Жамғарма томонидан ҳам йил давомида тиббий кўрик ўтказиш жадвали ишлаб чиқилган. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад — аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш, туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини тушунтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдир. Шунингдек, гиёвандлик ва ичкиликбозлик ҳамда ВИЧ-СПИДнинг олдини олиш, аниқланган касалликлар бўйича имкон қадар соғломлаштиришга мурувват ёрдамлари кўрсатишдан иборат.

**Гулором ҲАМИДОВА**

***«Ўзбекистон» халқаро тантаналар саройи биноси ва атрофдаги ҳудудидан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган дирекция» давлат муассасаси қуйидаги лавозимлар бўйича мутахассис ва ишчиларни***

**ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

- *Назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматика бўйича муҳандис;*
- *Совутгич ускуналари ва ҳавони кондиционлаштириш бўйича мутахассис;*
- *Бўёқчи:*
- *Дурадгор;*
- *Ҳовлибон-ишчи;*
- *Фаррош.*

***Мурожаат учун телефонлар: 232-86-61; 232-86-63***

